

МАҲАЛЛИЙ ЭМУЛЬЦИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ АСОСИДА СИФАТЛИ ЖУН ИПЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАҲЛИЛИ

магистрант С.С. Нормўминов, кат.ўқит. Т.А. Тойирова,
проф. М.К. Кулметов
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Мақолада республикамизда боқилаётган қўйларнинг зотлари, улардан олинadиган жун турлари, жунни қайта ишлашда маҳаллий эмульциядан самарали фойдаланиш, юқори сифатли жун иplarини ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш имкониятлари келтирилган.

В статье представлены возможности для разведения овец, видов шерсти из них, эффективного использования местной эмульсии при обработке шерсти и технологии производства высококачественной шерстяной пряжи.

The article presents the possibilities for breeding sheep, the types of wool from them, the effective use of local emulsion in the processing of wool and the technology for producing high-quality wool yarn.

Республикамизнинг иктисодиётини кескин ривожлантиришнинг “2017-2021 йиллар устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни [1] амалга ошириш борасида Навоий вилоятида Учкудук тумани жунни қайта ишлаш ва ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилади, шунингдек “Учкудуктекстиль” МЧЖ томонидан жорий йилда тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, 320 ишчи ўрин яратилади.

Ўзбекистонда асосан коркўл-териси учун, гўшт-жун йўналишида-қўйлар, жунни ва сути учун эчкилар бокилади. Бу қўйлар улуши ҳисори-6,7%, коракўл-67,1%, сароджин-4%, тожики-5,1%, жайдари-7%, бошка зотли қўйлар-1,6% ва эчкилар-8,5% ни ташкил этади.

Сароджин ва тожики қўйлар ярим дағал жунли, коракўл, ҳисори ва жайдари қўйлар дағал жунли ҳисобланади. Улар ичида кенг тарқалгани коракўл зотли қўйлардир. Республикамизда тарқалган қўйлардан йилига икки марта баҳорда ва кузда жун қирқиб олинади. Баҳорги қирқим кузгига нисбатан тивит толаларнинг кўплиги ва йигиришда кенг фойдаланиши билан ажралиб туради. Юртимизда бокиладиган қўйларнинг зотидан қатъий назар улардан олинadиган жун хом ашёси тўқимачилик соҳасида оқилона фойдаланишга қаратилган бўлиши керак [2].

Жун саноати тўқимачилик корхоналарида соф жун, ярим жун иplarидан тайёр кийимлар учун газлама, трикотаж ва нотўқима матолар ва буюмлар ишлаб чиқарилади.

Турли йигириш усулларида ишлаб чиқарилган турли чизикли зичликдаги иplarнинг сифат кўрсаткичларига толавий таркиби, толани

йигиришга тайёрлаш ва қайта ишлаш жараёнларининг таъсири кўп олимлар томонидан ўрганилган аммо маҳаллий жун, бир турли бўлмаган ҳисори, жайдари кўйлар жунларининг қайта ишлаш, эмульсиялаш жараёнлари кам ўрганилган.

Жун толасидан ип сифатини яхшилаш илм-фан ва техника интеграциясини инновацион ғоялар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Шу йўналишлардан бири кўй жунлари таркибидаги майин ва ярим майин ҳамда ярим дағал ва дағал жунларни сепарациялаш янгича усулини қўллаб қайта ишлаш жун маҳсулотларининг ассортиментини кенгайтиради ва улардан фойдаланиш имкониятларини оширади.

Жунни сепарациялаш тажрибалари лаборатория шароитида ювиш жараёнлари ҳамда ювилган ва куритилган жунни чимдиб-мойлаш машиналарида маҳаллий ипак курти ғумбаги эритмасидан олинган эмульсиялардан фойдаланиб аэромеханик усулларда бажарилади [2].

Сараланган ва турли усулларда ювилган ва эмульсияланган маҳаллий, ҳисори кўйлар жунлари физик-механик хоссалари ТТЕСИ CentexUz лабораториясида аниқланди ва натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Сараланган ва турли усулларда ювилган ва эмульсияланган маҳаллий, ҳисори кўйлар жунлари физик-механик хоссалари

№	Кўрсаткичлар	Вариантлар				
		ювил-маган	сода-совунли	F-препаратыли	кўк совунли	аэроме ханик
1.	Ўртача (мутлок) узиш кучи, P, сN	49,0	45,0	40,0	50,0	39,0
2.	Узиш кучи дисперсияси S2{P}	450,0	78,0	151,0	182,0	-
3.	Вариация коэффиценти CV {P}	58,0	22,0	31,0	27,0	-
4.	Узилишдаги нисбий узайиш, E, %	45,0	44,0	6,0	41,0	35
5.	Узилишдаги узайиш вариация коэффиценти, CV{E}	8,0	5,0	15,0	12,0	-
6.	Кўндаланг кесим диаметри, мкм	40,0	32,0	34,0	36,0	35,0

1-жадвалдан ювилмаган жун толаси физик-механик хоссалари сифат кўрсаткичлари- ўртача (мутлок) узиш кучи, узилишдаги нисбий узайиши, кўндаланг кесим диаметрларини бошқа вариантларга нисбатан юкори эканлигини таъкидлаш лозим.

Taylor R.A. таъкидлашича “Тўқимачилик (пахта) толасини самарали қайта ишлаш учун мумлар ва мойлаш материаллари зарур [3].

Гилам ишлаб чиқаришда қўллаш учун аралаш иплар жун ва кимёвий

толалар аралашмаларидан вариантлар бўйича жун 75% +25% нитрон (I), мос равишда 25% +75% (II) ва маҳаллий кўй жуни 100% (III), механик хоссалари лойиҳаланди ва “Хоразм гиламлари” ОАЖ йиғириш корхонаси шароитида ишлаб чиқарилди. Ипларнинг физик-механик хоссалари ишлаб чиқариш ва ТТЕСИ CentexUz лабораторияларида стандарт усулларда аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Соф жун ва ярим жун (аралаш) иплар физик-механик кўрсаткичлари

№	Ип таркиби	Ипнинг чизикли зичлиги, текс	Чизикли зичлиги бўйича квадратик нотекислиги, C{T}	Эшилиш, K, б/м	Эшилиш бўйича квадратик нотекислиги, C{Э}	Узилиш кучи, P, N	Нисбий узилиш кучи, R, sN/текс	Узилиш кучи бўйича квадратик нотекислиги, C{P}	Узилишдаги чўзилиши, E,%	Чўзилиш бўйича квадратик нотекислиги, C{E}
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1.	Маҳаллий жун 75%+25% нитрон толаси	140	3,4	231	4,8	6,81	4,8	8,0	13,61	16,8
2.	Маҳаллий жун 25%+75% нитрон толаси	103,0	-	300	4,7	7,72	7,5	8,87	15,72	9,6
3.	Маҳаллий жун 100%	98,2	-	360	6,5	6,35	6,6	15,4	16,0	21,0

2-жадвал кўрсаткичлари бўйича узилиш кучи 7, 7N, нисбий узилиш кучи 7,51sN/текс юкори, узилиш кучи бўйича квадратик нотекислиги кам (8,9%)бўлган маҳаллий жун 25% ва нитрон толалари 75% аралашмали ипларни маҳаллий эмульсия билан ишлов бериб гилам арқоқ иплари сифатида ишлаб чиқаришга тавсия қилиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. ПФ-4947. 7 февраль 2017 йил.

2. М. Кулметов ва бошқалар. “Маҳаллий жун толалари ва хусусиятларини тадқиқи асосида уларни узунлиги ҳамда йўғонлиги бўйича саралаш ва ип йиғиришга тайёрлаш технологиясини яратиш” ИТД 15-115 илмий тадқиқот ишининг якуний ҳисоботи, ТТЕСИ, 2011й.

3. R.A. Taylor. Natural waxes on cotton contribute to yarn and fabric quality. TEXTILE CHEMIST AND COLORIST. Tom 29. JUN 1997. Page 32-35.